

“БОҒОТ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ 3-СОН БАЁННОМАСИ

Хоразм вилояти, Боғот тумани,
Урганч кўчаси, 2-уй.

2025 йил “26” декабрь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Хоразм вилояти, Боғот тумани, Урганч кўчаси, 2-уйда “Боғот пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Йиғилишга таклиф этилганлар:

З.Саидов – “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси раиси;

З.Аминов - “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

Ф.Қутлимуродов - “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

М.Полиязов - “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

“Боғот пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талаб ва тартибдан келиб чиққан ҳолда Жамият тугатиш комиссиясининг 2025 йил 14 ноябрдаги 105-сонли таклиф хатига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана - 2025 йил 02 декабрь. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – **11 480 660**.

Йиғилиш кворуми бўйича санок комиссияси аъзоси Ф.Қутлимуродов ахбороти:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш учун келган акциядорлар ва уларнинг вакиллари таркиби, ваколати ҳамда овоз бериш бўйича ишонч қоғозлари кўриб чиқилиб, қуйидагилар аниқланди:

Соат 11-00 га қадар жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш учун **6 424 812** дона овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтди. Бу ўз навбатида, жамият томонидан жами жойлаштирилган оддий акцияларга нисбатан **55,9** фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлиши белгиланганлигини инобатга олиб йиғилиш ўтказишга

кворум мавжудлигини айтиб ўтди. Акциядорлар номидан тугатиш комиссияси аъзоси Ф.Қутлимуродов сўзга чиқиб, йиғилиш ўтказиш бўйича кворум мавжудлигини; акциядорлар томонидан йиғилиш ўтказиш бўйича розилик бериб билдирган таклифларини инобатга олиб, акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишни ўтказишга қарор қилинди.

Жамият акциядорлари номидан тугатиш комиссияси аъзоси Ф.Қутлимуродов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. М.Искандаров – “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ тугатиш комиссияси раиси -йиғилишда раислик қилувчи;

2. А.Қурбанов - “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ тугатиш комиссияси аъзоси ;

3. О.Бекчанов - “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

Йиғилишда раислик қилувчи этиб “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ тугатиш комиссияси раиси М. Искандаров ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар мутахассиси М. Полиязовни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб М. Искандаров ва йиғилиш котиби этиб М.Полиязов сайланди.

Йиғилиш раиси М. Искандаров сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кун тартибидаги масалаларни ўқиб эшиттирди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Боғот пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Жамиятни тугатиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш тўғрисида.

3. Жамиятнинг узок муддатдан буён сотилмаган мол-мулклари, улушлари, акциялари ва ундирилмаган дебитор қарзларини акциядорларга, шу жумладан “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖга ўтказиш масаласи.

4. Жамият касб касаллиги бўйича нафақахўрларни давлат пенсия жамғармасига ўтказиш ва тоовон пулини тўлаб бериш масаласи.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилиш раиси М.Искандаров сўз навбатини йиғилиш раёсати аъзоси О.Бекчановга берди.

У умумий йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур умумий йиғилиш кун тартибида тўртта масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун 5 (беш) дақиқача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамиятда санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкидлади.

Шунга асосан, жамият тугатиш комиссиясининг 2025 йил 14 ноябрдаги 105-сонли таклиф хатига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг иш хаки ва материал харажатлар бўйича хисобчиси Ф. Қутлимуторов ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис М. Полиязов номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан йиғилиш регламенти ва санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаб беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 6 424 812 та овоз билан (100 %);

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Кун тартибдаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Икки кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

1) Ф. Қутлимуторов;

2) М. Полиязов;

Кун тартибдаги иккинчи масала бўйича йиғилиш раиси М. Искандаров сўзни “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси раиси З. Саидовга берди.

З. Саидов сўзга чиқиб, “Боғот пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025 йил 07 август куни ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилишида “Боғот пахта тозалаш” АЖни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини ва тўрт ойдан буён тугатиш ишлари амалга оширилаётганлигини маълум қилди ва тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар бўйича тайёрланган ҳисобот билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Жамият томонидан, қуйидаги жами 3 157 524 470 сўмлик активлар жумладан. Пиллахона мажмуалари 526 883 248 сўм (ҚҚС билан), Уруғчилик чигит дорилаш цехи ва омборхонаси биноси 2 630 641 222 сўм (ҚҚС билан) шундан бинолар 2 370 508 607 сўм, ускуналар 260 132 615 сўмни ташкил қилувчи активлар “E-auksion” савдо платформасига аукцион савдоларига чиқарилган. Аммо бугунги кунгача ушбу активлар сотилмаган.

Шунингдек, жамият ҳисобида “Agrobank” АТБнинг номинал қиймати 1 168 сўм бўлган жами 13 154 дона 15 363 872 сўмлик оддий акциялари савдоларга чиқарилмаган.

Бугунги кунда жамиятнинг дебитор қарздорликлари жами 9 930 179 162 сўмни ташкил қилади.

а) “Хоразм пахта уруғчилиги” МЧЖдан 9 754 100 сўм.

б) “Хоразм пилла холдинг” МЧЖдан 328 176 231 сўм.

с) “Ўзпахтасаноат” АЖдан дебитор қарздорлик 9 592 248 831 сўмни ташкил этади.

Муҳокомадан сўнг йиғилиш раиси М. Искандаров жамият акциядорларидан тугатиш комиссияси раиси З. Саидовнинг ҳисоботи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз бериш йўли билан билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” 6 424 812 та овоз билан (100 %);

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият тугатиш комиссиясининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилиш раиси М. Искандаров сўзга чиқиб, “Боғот пахта тозалаш” АЖни тугатиш ишлари самарасиз кетаётганлигини қайд этиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖни ва “Пахтасаноат” ХАБларни, жумладан “Хоразмпактасаноат” ХБАЖни тугатиш ишлари амалга оширилмоқда.

“Ўзпахтасаноат” АЖнинг “Хоразмпактасаноат” ХБАЖ устав капиталидаги улуши 65,52 фоизни, ўз навбатида “Хоразмпактасаноат” ХБАЖнинг “Боғот пахта тозалаш” АЖ устав капиталидаги улуши 52,959 фоизни ташкил этмоқда. “Боғот пахта тозалаш” АЖни тугатиш жараёнининг, ўз навбатида “Хоразмпактасаноат” ХБАЖ ва “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган “Тadbиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 38-бандига мувофиқ тижорат ташкилотини **ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати** рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб **олти ойдан** ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда “КОВОТЕХ”МЧЖ томонидан “Боғот пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли пахта тайёрлаш масканларини сотиб олиш тўловлари тўлиқ ҳисобкитоб қилинганлиги сабабли, жамиятни тугатиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 99- ва 100-моддаларига мувофиқ жамиятнинг узок муддатдан бўён сотилмаган мол-мулклари, улушлари, акциялари ва ундирилмаган дебитор қарзларини акциядорларга, шу жумладан “Хоразмпактасаноат худудий бирлашмаси”АЖга ўтказиш бўйича таклиф қилинади.

Куйидаги, аукцион савдоларида сотилмай қолган жами 3 157 524 470 сўмлик, Пиллахона мажмуалари ҳамда уруғчилик чигит дорилаш цехи ва омборхона биноси, “Agrobank” АТБнинг номинал қиймати 1 168 сўм бўлган жами 13 154 дона 15 363 872 сўмлик оддий акциялари, жамиятнинг “Ўзпахтасаноат” АЖдан 9 592 248 831 сўм, “Хоразм пахта уруғчилиги”МЧЖдан 9 754 100 сўм, “Хоразм пилла холдинг”МЧЖдан 328 176 231 сўм, жами 9 930 179 162 сўм дебитор қарздорлик акциядорларга таклиф қилинди. Лекин, акциядорлар томонидан рад жавоби берилди.

“Боғот пахта тозалаш” АЖни тугатишни жадаллаштириш ва яқунлаш мақсадида жамиятнинг юқорида номи баён этилган активларини ва дебитор қарздорликларини “Хоразмпактасаноат” ХБАЖга ўтказиш таклиф қилинди.

Йиғилиш раиси М. Искандаров сўзини давом қилдириб, жамият акциядорларидан кун тартибидаги ушбу масалани тасдиқлашга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 6 424 812 та овоз билан (100 %);

• “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Боғот пахта тозалаш” АЖни тугатишни жадаллаштириш ва яқунлаш мақсадида жамиятнинг узок муддатдан бўён сотилмаган қуйидаги активлар баланси қийматида, жами 3 157 524 470 сўм (рўйхат илова қилинади), уруғчилик чигит дорилаш цехи ва омборхона биноси, Пиллахона мажмуаси бино ва иншооти, “Agrobank” АТБнинг номинал қиймати 1168 сўм бўлган жами 13 154 дона 15 363 872 сўмлик оддий акциялари, “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 9 592 248 831 сўмлик, “Хоразм пахта уруғчилиги” МЧЖнинг 9 754 100 сўмлик, “Хоразм пилла холдинг” МЧЖнинг 328 176 231 сўмлик, жами 9 930 179 162 сўмлик дебитор қарздорлиги “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ ҳисобига ўтказилсин.

2. “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ ҳисобига ўтказилаётган мол - мулклар, акция ва улушлардан келиб чиқадиган солиқ ундирилмалари жамият ҳисобидан қоплансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича йиғилиш раиси М. Искандаров сўз навбатини “Боғот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси раиси З. Саидовга берди.

Тугатиш комиссияси раиси жамиятнинг касб-касаллиги бўйича меҳнат жараёнида жароҳат олган собиқ 2 нафар ходимлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарорига асосан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига 142 878 455.34 сўм тўланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш муҳокамасидан сўнг йиғилиш раиси М. Искандаров кун тартибидаги ушбу масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 6 424 812 та овоз билан (100 %);

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилади:

“Боғот пахта тозалаш” АЖни тугатиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида, тугатиш комиссияси зиммасига:

- жамиятнинг касб-касаллиги бўйича меҳнат жараёнида жароҳат олган собиқ 2 нафар ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарорига асосан Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига белгиланган тўловларни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 100-моддасида белгиланган тартибда акциядорлар билан ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш;

- тугатиш комиссиясининг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботиини ҳамда жамиятнинг тугатиш балансини тасдиқлаш масаласи акциядорларнинг кейинги навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун киритиш;

- жамият ҳужжатларини архивга тоишириш, қимматли қоғозлар чиқарилувини бекор қилиш бўйича Истикболли лойиҳалар миллий агентлигига ариза тақдим этиш ва жамиятни тугатишни яқунлаш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси М. Искандаров йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:

М. Искандаров

Йиғилиш котиби:

М. Полиязов

Йиғилиш баённомаси 2026 йил "7" январь куни икки нусхада тузилди.